

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

*Қўл ёзма ҳуқуқида*

**ҚУРБОНОВА НАФОСАТ САТТОР ҚИЗИ**

**Сурхондарё вилоятидаги бошоқлилар фитонематодаларининг  
эколого-фаунистик таҳлили**

**5A140101-Биология**

Магистр  
академик даражасини олиш учун ёзилган  
диссертация

Илмий раҳбар:  
доц. А.Ш.Хуррамов

Термиз-2015

## МУНДАРИЖА

	<b>Кириш</b> .....	<b>2</b>
<b>I боб.</b>	<b>Адабиётлар таҳлили</b> .....	<b>6</b>
<b>II боб.</b>	<b>Тадқиқот ишининг материал ва методикаси</b> .....	<b>12</b>
<b>1.</b>	Материал .....	<b>12</b>
<b>2.</b>	Намуна йиғиш методикаси .....	<b>12</b>
<b>3.</b>	Фитонематодаларни ажратиб олиш, фиксация қилиш ва препарат тайёрлаш методикаси .....	<b>12</b>
<b>III боб.</b>	<b>Аниқланган фитонематодаларнинг экологик- токсономик характеристикаси</b> .....	<b>16</b>
<b>IV боб.</b>	<b>Буғдой ва арпа фитонематодалар фаунасининг таҳлили</b> .....	<b>51</b>
<b>1.</b>	Фаунистик таҳлил .....	<b>51</b>
<b>1.1.</b>	Буғдой ўсимлиги ва унинг илдизи атрофидаги тупроқда аниқланган фитонематодалар фаунаси .....	<b>51</b>
<b>1.2.</b>	Арпа ўсимлиги ва унинг илдизи атрофидаги тупроқда аниқланган фитонематодалар фаунаси .....	<b>58</b>
<b>2.</b>	Экологик таҳлил .....	<b>64</b>
<b>2.1.</b>	Буғдой ўсимлиги ва унинг илдизи атрофидаги тупроқда аниқланган фитонематодаларнинг экологик таҳлили .....	<b>64</b>
<b>2.2.</b>	Арпа ўсимлиги ва унинг илдизи атрофидаги тупроқда аниқланган фитонематодаларнинг экологик таҳлили .....	<b>68</b>
<b>3.</b>	Буғдой ва арпа ўсимликларида аниқланган паразит фитонематодалар .....	<b>72</b>
	<b>Хулоса</b> .....	<b>76</b>
	<b>Тавсиялар</b> .....	<b>80</b>
	<b>Адабиётлар рўйхати</b> .....	<b>81</b>

## КИРИШ

**Мавзунинг долзарблиги.** Табиат ва инсон ўзаро муайян қонуниятлар асосида муносабатда бўлади. Бу қонуниятларни бузиш ўнглаб бўлмас экологик фалокатларга олиб келади [1].

Ўзбекистон Республикаси миллий мустақилликка эришганидан сўнг мамлакат аҳолисини озиқ-овқат билан таъминлаш муаммоси пайдо бўлди. Чунки Республикамизда айни пайтда 31 миллиондан зиёд аҳоли яшайди. Бу аҳолини нон ва нон маҳсулотларига бўлган талабини қондириш учун ҳар йили 5,5-6 миллион тонна дон керак бўлади. Республика аҳолисини бу эҳтиёжини қондириш мақсадида ҳар йили 1-1,5 млн. гектар ерга ғалла экинлари экилади.

Истиқлол йилларида, яъни ўтган 22 йил давомида қишлоқ хўжалигида амалга оширилган туб ислоҳотлар натижасида ғалла етиштириш ҳажми 1 миллион тоннадан 7,8 миллион тоннага етди ва Ўзбекистон ғалла экспорт қиладиган мамлакатлар қаторидан жой олди [2]. Шу сабабли бошоқли ўсимликлар, жумладан, буғдой ва арпа ўсимлигининг ҳосилдорлигини ошириш учун уларнинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига салбий таъсир қилувчи турли касалликлар, хилма-хил зараркунандаларнинг таъсирини ўрганиш билан бир қаторда, уларда паразитлик қилувчи фитонематодаларни ўрганиш нафақат илмий балки амалий аҳамият ҳам касб этади. Чунки паразит фитонематодалар қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилини 10-15%дан 100%гача камайтириши аниқланган. Масалан, АҚШда фитонематодалар бир йилда қишлоқ хўжалигига 53 миллион доллар иқтисодий зарар келтиради. Бошоқли ўсимликлар, жумладан, буғдой ва арпа ҳосили паразит фитонематодалар таъсирида 5-8%гача камайиши аниқланган.

Барчамизга яхши маълумки, мамлакатда етиштириладиган озиқ-овқат экинларининг аҳволи, истиқболи ва турлари, улардан олинадиган ҳосилнинг мазали таъми ва фойдали хусусиятлари, уларнинг миллий

иктисодиёт ва экспортда тутадиган ўрни, биринчи навбатда, шу давлатнинг географик жойлашуви, унинг тупроқ-иқлим шароитига ва албатта шаклланган деҳқончилик маданияти ва савиясига, керак бўлса, муайян маҳсулотни етиштириш маҳоратига, бундай маҳсулотларнинг маҳаллий ва хорижий бозорларда нечоғлиқ харидоргир бўлишига боғлиқ [2].

Шунинг учун бошоқли ўсимликлар, жумладан, буғдой ва арпа ҳамда унинг илдизи атрофидаги тупроқда тарқалган фитонематодаларнинг турлар таркиби, биологик ва экологик хусусиятлари, тарқалиши, ўсимликни зарарлашини ўрганиш ҳамда паразит турларига қарши кураш чораларини ишлаб чиқиш мазкур ўсимликдан юқори ва сифатли ҳосил олишда амалий аҳамиятга эга.

**Тадқиқот объекти.** Бошоқли ўсимликлардан буғдой ва арпа ҳамда уларнинг илдизи атрофида учровчи фитонематодалар.

**Предмети.** Буғдой ва арпа ўсимликларида учровчи фитонематодалар комплекси.

**Илмий изланишнинг мақсад ва вазифалари.** Сурхондарё вилояти шароитида бошоқли ўсимликлар, жумладан буғдой ва арпа ўсимликларида учровчи фитонематодалар фаунаси ва экологиясини ўрганиш, шунингдек, мазкур ўсимликларда паразитлик қилувчи фитогельминтларнинг турлар таркибини аниқлашдан иборат. Шулар билан боғлиқ ҳолда қуйидаги вазифалар белгиланди:

- Сурхондарё вилояти шароитида бошоқли ўсимликлар, жумладан, буғдой ва арпа ўсимлиги ва унинг илдиз атрофидаги тупроқда тарқалган фитонематодалар турлар таркибини аниқлаш;
- топилган фитонематодаларнинг фаунистик экологик-таксономик характеристикасини аниқлаш ва анализ қилиш;
- буғдой ва арпа ўсимликларида паразитлик қилувчи фитонематодалар таркиби, ўсимлик ва илдиз атрофидаги тупроқда тақсимланиши ўрганиш.

**Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари.** Илмий тадқиқот давомида буғдой ва арпа ўсимлигида учровчи фитонематодалар фаунасининг комплексини тўлиқ ўрганиш ҳамда касаллик ҳосил қиладиган турларни аниқлашдан иборатдир.

**Тадқиқотнинг қисқача адабиётлар таҳлили.** Ўзбекистонда бошоқли ўсимликлар жумладан, буғдой ҳамда арпа ўсимлиги фитонематодаларини А.Т.Тўлаганов, А.Ш.Хуррамовлар; мустақил давлатлар ҳамдўстлигида С.А.Субботин, В.П.Балахнина, Е.П.Осипова, Д.Стойнов, О. Байчева, И.Доскалова, А.Шерева, В.П.Балахнина, Д.Д.Сигарёва, Т.А.Галаган, Е.С.Никишичева, Н.Forivar-Mehim, М. Shakeri, М. Avezuc, D.Samota, E.Raspudic кабилар, хорижда эса Corbett, De Clercor , P.S.Brich, M.Fisher, R.L.Mathur, B.M.Mathur, I.L.Sharmalar, M.Sobova, M.Liskova, B.Volochka N.A.Magbool, F.Shohina, D.Stoianov, O.Baicheva, C.H.Opperman, L.K.Kich, K.A.Dunn, F.A.Fattoh, R.V.Anderson, H.W.Johnston, K.A.Martin, Iordaan M.Elizabeth, Vandan Berg Esther, De Waele Dirk, G.Lung, H.L.Elekciogl, H.Braun, M.C.Zancoda, M.V.Althofer, E.Grobe, G.L.Sharma, S.N.Sharma, M.Gavalera, V.A.Vanstone каби тадқиқотчи олимлар ўргандилар.

**Тадқиқот методи.** Илмий изланишлар бўйича олиб борилган тадқиқотлар фитогельминтологияда кенг қўлланиладиган Маршрут, Берман, Сайнхорст, Деккер ва илдизни ёриш методлари асосида бажарилди.

Бу илмий натижалар асосида келажакда бошоқли ўсимликлар, жумладан, буғдой ва арпа фитонематодаларини ўрганиш ва паразит турларига қарши кураш чораларини қўллаш имконияти мавжуд.

**Назарий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижасига кўра бошоқли ўсимликлар, жумладан, буғдой ва арпа ва уларнинг илдизи атрофидаги тупроқда учровчи фитонематодалар комплекси бўйича маълумотлар олинди. Ушбу маълумотлар асосида мазкур ўсимликлар буғдой ва арпа ҳосилини оширишда паразит турларга қарши кураш чора – тадбирларини ишлаб чиқиш назарда тутилади.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги.** Сурхондарё вилояти шароитида бошоқли ўсимликлар, жумладан, буғдой ва арпа нематодафаунаси ўрганилди ва жами 108 турга мансуб фитонематодалар аниқланди.

Тадқиқотлар давомида ўсимлик ва уларнинг илдизи атрофидаги тупроқда топилган фитонематодаларнинг экологик ва таксономик жиҳатдан таҳлил қилинди.

Бошоқли ўсимликлар, жумладан, буғдой ва арпа ҳамда уларнинг илдизи атрофидаги тупроқда ҳақиқий паразит фитонематодалардан 15 тури қайд этилди.

**Ишнинг апробацияси.** Ушбу тадқиқот ишининг натижалари 2013, 2014, 2015 йиллар давомида “Ѓўза ва ғўза мажмуидаги экинларни парваришlash агротехнологияларини такомиллаштириш” мавзусидаги республика илмий-амалий анжуманида, Германиянинг “Technical and natural sciences in Europe: development and adoption of innovative concepts” илмий журналида, Австриянинг “Austrian Journal of Technical and Natural Sciences” илмий журналида, “Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий ва этномаданий ҳаёт: тарих ва таҳлил” республика илмий-амалий анжумани, “Биохилма-хилликни сақлаш муаммолари” конференциясида, Американинг “Harvard Educational and Scientific Review” илмий журналида, Англиянинг “British Journal of Science and Education” илмий журналида, магистрларнинг илмий мақолалар тўплами, Россиянинг “Систематика и экология паразитов” конференциясида ҳамда “Замонавий паразитологиянинг долзарб муаммолари” Республика илмий-амалий анжуманларида нашр этилган.

**Ишнинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация компьютерда 79 бетда баён қилинган бўлиб, кириш, 4 боб, хулосалар, тавсиялар, 73 номдаги фойдаланилган адабиётлар рўйхати, 10 та жадвал ва 8 та расмдан иборат.

## I БОБ. АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ

Ўзбекистонда бошоқли ўсимликлар жумладан, буғдой ҳамда арпа ўсимлиги фитонематодаларини дастлаб А.Т.Тўлаганов тадқиқ қилган бўлиб, унинг маълумотига кўра, буғдой нематодаси буғдойни кучли зарарлаб, уларнинг ҳосилдорлигини камайишига олиб келади [30;31].

Шунингдек, А.Ш.Хуррамов 1999-2006 йилларда Сурхондарё вилоятининг 14 та туманига қарашли 42 та жамоа хўжаликларида буғдой, бегона ўтлар ва ёввойи бошоқли ўсимликларда учровчи фитонематодаларни ўрганган [36].

Мустақил давлатлар ҳамдўстлигида С.А.Субботин, В.П.Балахнина, Е.П.Осиповалар қаттиқ буғдойнинг ҳар хил турдаги чидамли навларига *Bidara avenae* таъсир этганда илдизда сансиций ҳосил бўлишини аниқлаган [27].

Д.Стойнов, О.Байчева, И.Доскалова, А.Шерева буғдой, маккажўхорининг монокультура майдонларида, уларга оддий ва интенсив ҳолда ўғитлар бериб тажриба ўтказдилар. Тажриба натижасини таққослаб кўриб, *Tylenchothynchus*, *Merlinius* авлодларининг вакиллари орасида монокультурада экилган буғдой ўсимлиги майдонларида *Merlinius* авлоди вакиллари сон жиҳатдан кўп эканлиги аниқланган [21].

В.П.Балахнина Бошқирияда бошоқдошлардан *Triticum* (200), *Aegilons* (800), *Hordeum* (600) намуналарини сули нематодаси популяциясига чидамлилиқ хусусиятини ўрганди [4].

Д.Стойнов 97 та дон навларини (буғдой, арпа, шоли) нематодаларининг таъсирини Испания шаҳрида ўрганди. Унинг кузатишича, нематодалар буғдой ва арпа навларига кучли таъсир қилади. Ҳосилдорликни 40-80 % га камайтириши аниқланган [22].

Д.Д.Сигарёва, Т.А.Галаган, Е.С.Никишичевалар буғдой илдизида некрознинг ҳосил бўлишида фитогельминтларнинг таъсирини ўрганган.

Уларнинг маълумотига кўра нематодалар буғдой ўсимлигининг биомассасини камайтиришини аниқлаган [20].

H.Forivar-Mehim, M. Shakeri 1989-1990 йиллар мобайнида Эроннинг асосий буғдой экиладиган майдонларини тадқиқ қилишди. Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, экинларнинг 20%ига икки турдаги фитонематода кучсиз зарар келтирган [51].

M. Avezuc, D.Samota, E.Raspudic Хорватия қишлоқ хўжалик экинлари, маккажўхори, сули, буғдойни тадқиқ қилишди. Тадқиқот натижасида 81 турдаги паразит топилди, улардан кўпчилиги *Ditylenchus*, *Longidorus*, *Meloydogyne*, *Pratylenchus*, *Heterodera* ва бошқалардир [42].

Бошоқли экинлар нематодаларининг хорижда ўрганилиши юзасидан Corbett Англияда кумли тупроқда ўсадиган буғдой экинларида учрайдиган, биологияси кам ўрганилган *Pratylenchus Fallax* нематодасининг буғдойга етказадиган зарарини ўрганди [44].

De Clercor дала тажрибасида баҳорги ва кузги бошоқли экинларга *Meloydogyne naosi* нематодасининг таъсирини ўрганди [47].

P.S.Brich, M.Fisherлар дала шароитида касалликка берилувчан ва чидамли буғдой навларининг илдизлари циста ҳосил қилувчи нематодалар личинкалари билан зарарланишини кузатган. Уларнинг маълумотига кўра, чидамли буғдой навларида ҳосилдорлик анча юқори бўлган [43].

R.L.Mathur, B.M.Mathur, I.L.Sharmalar Раджахстан енгил тупроғида сули циста ҳосил қилувчи нематодаси яъни *Heterodera avenae* келтириб чиқарадиган касаллик буғдой ва арпа ҳосилининг камайишига сабаб бўлиши тўғрисида маълумот берган. Олимлар тажриба ўтказганларида (Ҳиндистонда) буғдой ва арпа ҳосилининг 41,3-66,6%и нобуд бўлганлигини кўрсатди [62].

M.Sobova, M.Liskova, B.Volochkalar Словакия шароитида кузги буғдой экинларида сули циста ҳосил қилувчи нематодаси *Heterodera avenae* ривожланишини ўргандилар [67].

N.A.Magbool, F.Shohinalar Тожикистоннинг Синд вилоятида циста ҳосил қилувчи нематода *Heterodera Pakistansis* буғдой илдизида учраганлиги ҳақида маълумот бердилар [61].

D.Stoianov, O.Baichevalar буғдой илдизи атрофидаги тупроқда *Pratylenchoides* авлоди вакиллари борлигини аниқлаган [68].

C.H.Opperman, L.K.Kich, K.A.Dunn АҚШнинг Флорида штати шимолий қисмида *Meloidogyne arenaria* буғдойнинг 12 навини зарарлаши тўғрисида маълумот берди [63].

F.A.Fattoh маълумот беришича, Ироқда *Anguina tritici* кенг тарқалган бўлиб, у буғдой бошоғининг буралиб қолиши ва гулнинг зарарланишига сабабчи бўлганлигини аниқлаган [50].

R.V.Anderson, H.W.Johnston, K.A.Martin маълумотларига қараганда, Канадада шахзода Эдуард оролида 30 майдон бўйича буғдой ва арпа экинлари ўрганилиб паразит нематодалар учраганлиги қайд этилган [39].

Iordaan M.Elizabeth, Vandan Berg Esther, De Waele Дирклар томонидан 7 та вилоятдаги буғдой майдонлари текширилиб, фитогельминтларнинг 18 тури аниқланган [57].

G.Lung, H.L.Elekciogl, H.Braunлар жанубий Германияда буғдой нематодаси *Pratylenchus neglectus* ёппасига кўпайишини рўйхатга олган [60].

M.C.Zancoda, M.V.Althofer Испанияда буғдойнинг Tolento навини кузатиб, *Heterodera avenae* таъсир этиши ўрганилди. Назорат учун иккита зарарланган ва битта соғлом ўсимлик олинди. Кузатиш натижасида нематод билан зарарланган ўсимликларнинг бўйи паст бўлиб қолиши ва ҳосилдорлик пасайиши аниқланган [73].

E.Grobe Германияда буғдой майдонларида циста ҳосил қилувчи нематода *Heterodera avenae* кенг тарқалганлигини ва у ўсимликни 10% гача зарарлашини аниқлади [54].

G.L.Sharma, S.N.Sharmalar Хиндистонда Австралия ва маҳаллий буғдой навларининг 5000 га яқин генотиби циста ҳосил қилувчи нематодларга чидамлилигини синаган [66].

M.Gavalera, V.A.Vanstonelar кузги буғдой майдонларида *Pratylenchus thorne* нематодаларининг популяция зичлигини жадвал бўйича текширди. Буғдойда популяция зичлигининг 20 йил ичида кўпайиб, кейинчалик стабилланиши ва пасайишини кузатди [52].

М.Элмали Туркиянинг Анатолия вилоятининг ғарбий қисмидаги айрим провинциялар шароитида буғдой бўртма нематодаси *Anguina tritici*нинг тарқалиши ва зарарини ўрганиб, Оқсарой ва Бурса провинцияларида мазкур фитопаразитнинг кенг тарқалганлиги ва сезиларли зарар етказишини аниқлади. Вилоятнинг бошқа провинцияларида хусусан, Нигде, Кирсехир ҳудудларида ушбу фитопаразитнинг тарқалиши ва зарарланиш даражасини нисбатан кам эканлигини қайд этди [49].

Ж. Кимпински ва бошқалар томонидан 3 йил давомида олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, кузги буғдойнинг турли навларига фостиазотом ҳамда альдикарб билан ишлов берилганда унинг ҳосилдорлиги 39% га ошганлигини қайд этишди. Тадқиқот олиб борилган 5 та навлар ичида энг юқори ҳосилдорлик *Heanlea* (57%), ундан кейинги ўринларда эса *AC Barrie* (40%), *AC Walton* (39%), *AC Wilmot* (32%), ҳамда *Belvedera* (30%) кузатилган. Муаллифларнинг таъкидлашича фостеазот препарати альдикарбга қараганда буғдой ҳосилдорлигини оширишда юқори самарадорликка эга эканлигини таъкидладилар. Шунингдек, тадқиқотлар шуни кўрсатдики, мазкур препаратлар илдиз касаллигини келтириб чиқарувчи фитопаразит нематодалардан *Pratylenchus pratensis*нинг ўсимлик илдизи ва тупроқда сон жиҳатдан камайишига ёрдам бериши мумкинлигини қайд этди [59].

Э.Гробе ва Г. Бартеллислар томонидан 2006 йилда Германиянинг Банденбург шаҳрида донди экин навларини саралаш системаси асосида кузги буғдой ва арпа навларини циста ҳосил қилувчи нематодалардан

*Heterodera avenae* va *Heterodera filipjevica* чидамлилиги ўрганилди. Тадқиқот натижасида буғдойнинг Taifun, арпанинг Sebastian, Power, Lisanne, Adonis, Tipple, Ingmar, Publican, Quench va Centurian мазкур фитопаразит нематодаларга ўта чидамли эканлиги қайд этилди [55].

Ж.П.Томпсон ва бошқалар Фарбий Осиё ва Шимолий Африканинг иссиқхона шароитида қаттиқ ва юмшоқ буғдой навларини *Pratylenchus thornei*га чидамлилигини аниқлаш устида тадқиқотлар олиб борди. Тадқиқот натижасида қаттиқ ва юмшоқ буғдой навлари мазкур нематодага чидамли эканлиги қайд этилди [69].

Г.Хассан ва бошқалар 2006-2007 йилларда Сириянинг шимолий – шарқий вилоятлари шароитида қаттиқ буғдой навларидан Sham 3 va Sham 6 га *Heterodera avenae*нинг 3 босқичли популяция зичлиги асосида ўсиш, ривожланиши ва ҳосилдорликка таъсири ўрганилди. Тадқиқотларда аниқланишича, *Heterodera avenae*нинг энг юқори популяция зичлиги ҳосилдорликни 49,5% га камайишига олиб келган [56].

М.Р.Карайч ва бошқалар томонидан Иорданияда интродукцияланган яъни иқлимлаштирилган бошоқдошлардан қаттиқ буғдойнинг 7 та, арпанинг 14 та ҳамда сулининг 4 та нави илдиз бўртма нематодаси *Meloidogyne javanica*га чидамлилигини ўрганган. Очик экин майдонларида олиб борилган тадқиқотлар натижасида буғдойнинг толерант Rum va Ascad – 176 навларидан ташқари барча навларнинг *Meloidogyne javanica*га чидамли эканлиги аниқланган [58].

А.Г.Щуковская, О.Б.Ткаченко, А.А.Шестеперовлар томонидан *Microdichium nivali* замбуруғи келтириб чиқарган пушти-оқ доғ касаллиги билан зарарланган ва зарарланмаган кузги буғдой ўсимлигининг фитонематодалар фаунаси ўрганилган бўлиб, тадқиқотлар натижасида мазкур касаллик билан касалланмаган кузги буғдойда 8 тур, зарарланганида эса 9 тур фитонематодалар қайд этилган. Шунингдек, муаллифларнинг таъкидлашларича ҳар икки гуруҳ ўсимликларда

*Aphelenchoides saprophillus* (12,6%) ва *Panagrolaimus rigidus* (68,6%) лар бошқа турларга нисбатан кўп сонда учраганлиги аниқланган [38].

А.Ш.Хуррамов томонидан Ўзбекистоннинг жанубий туманлари шароитида буғдой ўсимлиги ва унинг илдизи атрофидаги тупроқда 13 турга мансуб паразит фитонематодалар аниқланган бўлиб, ўсимликнинг илдиз атрофидаги тупроғида 13 тур, илдизида 11 тур, поя ва баргида эса 1 тур фитопаразит нематодаларнинг учраганлиги ҳақида маълумот берилган. Шунингдек, буғдой ўсимлиги учун эндопаразит фитогельминтлардан *Pratylenchus pratensis*, *P.neglectus*, *P.penetrans* ва поя нематодаси *Ditylenchus dipsaci* патогенли аҳамиятга эга эканлигини қайд этган. Муаллифнинг таъкидлашича, буғдой экин майдонларида юқорида келтирилган фитогельминтларнинг юқори популяцияда қайд этилиши яъни алоҳида фитогельминтоз ўчоқларининг ҳосил бўлиши буғдой ўсимлигининг жиддий зарарланишига олиб келади [37].

## **II БОБ. ТАДҚИҚОТ ИШИНИНГ МАТЕРИАЛ ВА МЕТОДИКАСИ**

### **2.1. Материал**

Ушбу тадқиқот ишининг бажарилиши учун 2013-2014 йилларда Сурхондарё вилоятининг 10 та туманидан ўрганиш учун 150 та тупроқ ва 480 та ўсимлик намуналари йиғилди.

### **2.2. Намуна йиғиш методикаси**

Буғдой ўсимлиги ва илдиз атрофидаги тупроқдан намуналар йиғишда фитогельминтологияда кўпчилик тадқиқотчилар томонидан қабул қилинган ва кенг тарқалган маршрут методидан фойдаланилди [12;8].

**Маршрут методи.** Буғдой ўсимлиги нематодафаунасини ўрганиш ва фитогельминтларнинг тарқалишини билиш мақсадида қўлланилди. Бунинг учун намуна олинадиган ўсимликнинг атрофи 10-15 см кенгликда, 20-30 см чуқурликда қазилди ва ўсимлик органларидан намуналар олинди. Илдиз атрофидаги тупроқдан ҳам 1 кгдан олинди. Намуналар ўсимликларнинг вегетацияси даврида яъни март, апрел ва май ойларида олинди.

Маршрут методига асосан даланинг диаганали бўйича намуналар йиғилди. Олинган намуналар полиэтилен халтачаларга солиниб, намуна олинган жой, намуна олинган вақт, ўсимлик тури қоғозга ёзилиб, у ҳам халтачага солинди.

### **2.3. Фитонематодаларни ажратиш олиш, фиксация қилиш ва препарат тайёрлаш методикаси**

Йиғилган намуналар Термиз давлат университети қошидаги фитогельминтология лабораториясида таҳлил қилинди. Ўсимлик намуналари лабораторияга олиб келингач, ўсимлик илдизи ва поясида бўртмалар, некроз доғлар бор-йўқлиги кўздан кечирилди.

Биз ўз ишимизда ўсимлик органлари ва илдиз атрофидаги тупроқдан фитонематодаларни ажратиб олиш учун Берманнинг воронкали методидан фойдаландик. Бунда ўсимлик илдиз, поя, барг қисмларга ажратилиб, водопровод сувида тозалаб ювилди, шундан сўнг ўсимлик қисмлари қайчи ёрдамида 0,5 см узунликда майдаланди ва белгиланган миқдорда (20 гр) тарозида тортиб олинди. Воронкага резина най кийгизилиб, унинг пастки қисмига пробирка кийгизиб қўйилди ва унга тоза сув солинди.

Шундан сўнг воронка устига мис сетка қўйилди, кейин ҳар бир намуна сут фильтрига солиниб, воронкага жойлаштирилди. Бунда махсус элакчалардан ҳам фойланилди. Намуналар воронкага жойлаштирилгач, ҳар бир намуна учун қаердан, қачон ва ўсимликнинг қайси қисмидан олинганлиги ҳақида ёрлик ёзилди.

Майдаланган ўсимлик қисмларидан фитонематодалар тезроқ чиқади. Намуна учун олиб келинган тупроқдан ҳам белгиланган миқдорда (20 гр) тортиб олиниб, воронкаларга резина най кийгизилиб, унинг пастки қисмига пробирка кийгизиб қўйилди ва унга тоза сув солинди. Воронка устига мис сетка қўйилиб, ҳар бир намуна сут фильтрига солиниб, воронкага жойлаштирилди. Ҳар бир намуна учун қаердан, қачон олинганлиги ҳақида ёрлик ёзиб қўйилди.

Фитонематодалар ўсимлик ва тупроқдан сувга чиқиб, пробиркага йиғилади. Намуналар ёз вақтида қўйилганлиги учун 24 соатдан кейин воронкага кийгизилган резина найни қўл билан қисиб, пробирка тортиб олинди. Пробиркадаги сувнинг бир қисми пипетка ёрдамида олиб ташланиб, унинг ўрнига 4 фоизли формалин эритмаси солиниб, оғзига тикини қўйилди. Формалин билан фиксация қилинган баъзи фитонематодаларнинг танаси букилиб, эгри-бугри бўлиб қолиши мумкин. Уни ўз ҳолига қайтариш мақсадида пробиркани 50-55°ли иссиқ сувли ванначаларга солинди. Шундан сўнг фитонематодалар турларини аниқлаш ва уларнинг сонини билиш учун пробиркадаги фитонематодалар Петри чашкасига тўкиб, микроскоп остига қўйилиб қаралди. Фитонематодаларни

тирик ҳолда кўрганда уларни фиксация қилгандагига нисбатан тана тузилиши, морфологик белгилари яхшироқ кўринади.

Доимий препарат тайёрлаш учун Сайнхорст [64] методидан фойдаландик. Бунда фитонематодалар махсус нина билан соат ойнасига, 4-5 томчи дистилланган сувга терилди. Териб бўлингач, фитонематодаларни равшанлаштириш мақсадида унга 4 томчи биринчи қоришмадан (20% спирт, 1% глицерин, 79 % дистилланган сув) қўшилиб, 20-30°C ли термостатга 24 соат қўйилди. Термостат спирт ва сувнинг буғланишига ёрдам беради. 24 соатдан кейин унга иккинчи қоришмадан (95% спирт, 5% глицерин) томизилиб, яна 20-30°C ли термостатга 2-3 соат қўйилди. Термостат спиртнинг буғланишига ёрдам беради. Шундан сўнг термостатдан олинган фитонематодалар препарат қилишга тайёр ҳисобланади.

Доимий препаратларни қуйидагича тарзда тайёрладик: буюм ойнасига металл найча ёрдамида парафиндан халқа қўйилди. Халқа ичига игна ёрдамида глицериндан томчи томизилди ва томчига фитонематодалар терилди. Томчи бинокулярда қаралиб, ундаги фитонематодалар алоҳида-алоҳида қилиб жойлаштирилди. Бир томчига 10-15тагача фитонематодалар терилди. Сўнгра унинг усти қоплағич ойна билан ёпилиб, препарат спирт лампасида қиздирилди. Бунда глицериннинг бир хил ёйилишига, парафиннинг эришига эътибор бериш керак бўлди. Иложи борича фитонематодаларни қовуриб юбормасликка аҳамият берилди. Парафин эриб, бир хил тарқалгач, спирт лампаси ўчирилди. Қоплағич ойна атрофидаги парафин скальпель ёрдамида тозаланиб, препарат чеккасига сиёҳ билан препарат номери, қаердан олинганлиги, ўсимликнинг қайси қисмидан олинганлиги ва олинган вақти ёзиб қўйилди.

Фитонематодаларнинг турларини, жинсини аниқлаш учун МБР-3 микроскопидан ва махсус фитогельминтология атласларидан фойдаланилди.

Фитонематодаларни ўлчамларини олишда кўпчилик олимлар томонидан қабул қилинган De Man [48] формуласидан фойдаланилди. Бу формула қуйидагича ифодаланади:

$L$  = тананинг умумий узунлиги;

$a$  = гавданинг умумий узунлиги/ эни

$b$  = гавданинг умумий узунлиги/ қизилўнгач узунлиги

$c$  = гавданинг умумий узунлиги/ дум узунлиги

$v$  = вульва жойлашган чегара/гавданинг умумий узунлиги\* 100

Нематодаларнинг турлар таркиби МБР-3 микроскопи ва фазоконтраст қурилмаси ёрдамида кўпчилик фитогельминтологлар томонидан қабул қилинган методлардан фойдаланган ҳолда аниқланди [3;6].

### III БОБ. АНИҚЛАНГАН ФИТОНЕМАТОДАЛАРНИНГ ЭКОЛОГИК-ТАКСОНОМИК ХАРАКТЕРИСТИКАСИ

Хайвонот оламининг табиий системасини яратиш бўйича изланишлар жараёнида кўпгина системалар таклиф қилинган, лекин уларнинг барчаси сунъий бўлиб, табиий системадан йироқ эди.

Ч.Дарвин 1859 йилда ёзилган “Турларнинг келиб чиқиши” [7] асарида органик олам тараққиётининг табиий танланиш йўли билан келиб чиққанлигини ҳар томонлама исботлаб берди. Шундан кейин органик олам табиий системасини қайта ишлаб чиқиш бошланди. Ч.Дарвиннинг эволюцион таълимоти биология фанларининг барча соҳалари тараққиётига катта таъсир кўрсатдики, бу табиий классификациянинг ривожланишига янада кўпроқ шароит яратиб берди.

И.Н.Филипьевнинг “Севастополь бухтаси эркин денгиз нематодалари ҳақида” [32] номли илмий иши нематодалар системасида катта тўнтариш ясади ва нематодалар классификациясининг ривожланишини янги босқичини бошлаб берди. У кўпчилик томонидан тан олинди ва барча нематодологлар учун асосий қўлланма бўлиб қолди.

Нематодалар синфи системаси ривожланишининг кейинги босқичи Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигида А.А.Парамоновнинг [13;14;15;16] таксономик ишлари юзага келиши билан бошланди. Фитонематодалар турли гуруҳларининг табиий системасини тузишдаги муаммоларни ечиш учун А.А.Парамонов дунёда биринчи марта эволюцион морфология ва экологик-марфологик анализ методларидан фойдаланди. А.А.Парамонов нематодалар синфи системаси бўйича бошига *Secernentea* кенжа синфини эмас, балки *Adenophorea* кенжа синфини қўлади. У бундай тартиб нематодалар гуруҳлари ўртасидаги филетик боғланишларини ўз ичига олади, деб ҳисоблайди.

Узоқ вақт нематодалар синфи вакиллари иккита кенжа синф (*Adenophorea*, *Secernentea*)ларга киритилиб ўрганилди. В.В.Малахов,

К.М.Рыжиков, М.Д.Сонинларнинг [12] системасида нематодалар синфи учта, яъни *Enoplia*, *Chromadoria*, *Rhabditia* кенжа синфларига бўлинди.

Ушбу диссертация ишининг бажарилиши жараёнида топилган фитонематодаларнинг таксономик таърифи ва уларнинг турларини аниқлашда қуйидаги чет эл ва Ўзбекистонлик муаллифларнинг илмий ишларидан фойдаланилди: И.Н.Филипьев [33], А.А.Парамонов [13;14;15;16;17;18;19], Т.С.Скарбилович [23;24;25;26], Ш.Х.Хуррамов [34;35], А.Т.Тўлаганов [28;29;30;31], Е.С.Кирьянова [9], Э.Л.Кралль [10;11], Х.Деккер [8], В.Г.Читвуд [45;46], Т.Гоудей [53], Г.Торне [70;71], М.Р.Сиддиқи [65], Andrassy [40] ва бошқалар, шунингдек, Россия Фанлар Академияси Паразитология Институтида тузилган фитонематодалар атласидан ҳам фойдаланилди.

Биз ўз ишимизда А.А.Парамоновнинг [13] кенг танилган фитонематодалар экологик классификацияси, шунингдек, рус нематодолог олимлари В.В.Малахов, К.М.Рыжиков, М.Д.Сонинлар [12] томонидан ишлаб чиқилган нематодалар системасидан фойдаландик.

Қабул қилинган фитонематодалар систематикаси бўйича топилган ва аниқланган нематодалар қуйидагича классификацияга киритилди:

Тип: Nematelminthes Schneider, 1986

Синф: Nematoda Rudolphi, 1808

Кенжа синф: Adenophorea Paramonov, 1954

Туркум: Enoplida Chitwood, 1933

Кенжа туркум: Tripyloidina De Coninck, 1965

Катта оила: Tripyloidea De Man, 1876

Оила: Tripylidae De Man, 1876

Кенжа оила: Tripylinae De Man, 1876

Авлод: Trischistoma Cobb, 1913

*I.T. monohystera* (De Man, 1880) Schuurmans Stekhoven, 1951

Авлод: Tobrilus Andrassy, 1959

- 2.T. kirjanovae* (Karimova, 1957) Andrassy, 1959
- Туркум: Mononchida Jairajpuri, 1969
- Кенжа туркум: Mononchina Jairajpuri, 1969
- Катта оила: Mononchoidea Chitwood, 1937
- Оила: Mononchidae Filipjev, 1934
- Кенжа оила: Mononchinae Filipjev, 1934
- Авлод: *Clarcus* Jairajpuri, 1970
- 3.C. papillatus* (Bastian, 1965) Jairajpuri, 1970
- Авлод: Mononchus Bastian, 1865
- 4.M. truncatus* Bastian, 1865
- Оила: Mylonchulidae Jairajpuri, 1969
- Кенжа оила: Mylonchulinae Jairajpuri, 1969
- Авлод: Mylonchulus Cobb, 1916
- 5.M. sigmaturus* (Cobb, 1917) Andrassy, 1958
- Оила: Anatonchidae Jairajpuri, 1969
- Кенжа оила: Anatonchinae Jairajpuri, 1969
- Авлод: Anatonchus Cobb 1916) de Coninck, 1939
- 6.A. tridentatus* (De Man, 1876) de Coninck, 1939
- Туркум: Dorylaimida Pearse, 1942
- Кенжа туркум: Dorylaimina Pearse, 1936
- Катта оила: Dorylaimoidea De Man, 1876
- Оила: Dorylaimidae De Man, 1876
- Кенжа оила: Dorylaiminae De Man, 1876
- Авлод: Dorylaimus Dujardin, 1845
- 7.D. stagnalis* Dujardin, 1845
- 8.D. bastianoides* Meyl, 1961
- Кенжа оила: Mesodorylaiminae Andrassy, 1969
- Авлод: Mesodorylaimus Andrassy, 1959
- 9.M. bastiani* (Büetschli, 1873) Eliava, 1984
- 10.M. parasubulatus* (Meyl, 1954) Andrassy, 1959

Оила: Qudsianematidae Jairajpuri, 1965  
 Кенжа оила: Qudsianematinae Jairajpuri, 1965  
 Авлод: Eudorylaimus Andrassy, 1959  
*11.E. paraobtusicaudatus* (Micoletzky, 1922) Andrassy, 1959  
*12.E. similis* (De Man, 1876) Andrassy, 1959  
*13.E. centrocercus* (De Man, 1880) Andrassy, 1959  
*14.E. vulvarapillatus* (Meyl, 1954) Andrassy, 1959.  
 Авлод: Labronema Thorne, 1939  
*15.L. eudorylaimoides* E. Geraert 1962  
 Оила: Aporcelaimidae Heyns, 1965  
 Кенжа оила: Aporcelaiminae Heyns, 1965  
 Авлод: Aporcelaimus Thorne et Swander, 1936  
*16.A. superbis* (De Man, 1880) Goodey, 1951  
 Авлод: Aporcelaimellus Heyns, 1965  
*17.A. abtusicaudatus* (Bastian, 1865) Altherr, 1968  
*18.A. krugeri* (Ditlevsen, 1928) Heyns, 1965  
 Оила: Xiphinemidae (Delmasso, 1969) Khan et Ahmad, 1975  
 Кенжа оила: Xiphinematinae Delmasso, 1969  
 Авлод: Xiphinema Cobb, 1913  
*19.X. index* Thorne et Allen, 1950  
 Кенжа Синф: Chromadoria Pearse, 1942  
 Туркум: Monhysterida De Coninck et Sct. Stekhoven, 1933  
 Кенжа туркум: Monhysterina De Coninck et Sct. Stekhoven, 1933  
 Катта оила: Monhysteroidea De Man, 1876  
 Оила: Monhysteridae De Man, 1876  
 Кенжа оила: Monhysterinae De Man, 1876  
 Авлод: Monhystera Bastian, 1865  
*20.M. simplex* De Man, 1880  
 Туркум: Plectida Malakhov et al, 1982  
 Катта оила: Plectoidea Öerley, 1880

Оила: Plectidae Öerley, 1880

Кенжа оила: Plectinae Öerley, 1880

Авлод: Plectus Bastian, 1885

*21.P. parietinus* Bastian, 1885

Авлод: Proteroplectus Paramonov, 1964

*22.P. tenuis* (Bastian, 1865) Paramonov, 1964

Катта оила: Haliplectoidea Chitwood, 1951

Оила: Rhabdolaimidae Chitwood, 1951

Кенжа оила: Rhabdolaiminae Chitwood, 1951

Авлод: Rhabdolaimus De Man, 1880

*23.R. terrestris* De Man, 1880

Кенжа Синф: Rhabditia (Pearse, 1942) Drozdovsky, 1975

Туркум: Rhabditida Chitwood, 1933

Кенжа туркум: Cephalobina Andrassy, 1974

Катта оила: Cephalobidea Filipjev, 1934

Оила: Cephalobidae Filipjev, 1934

Кенжа оила: Cephalobinae Filipjev, 1934

Авлод: Heterocephalobus (Brzeski, 1960) Brzeski, 1961

*24.H. elongatus* (De Man, 1880) Andrassy, 1967

*25.H. latus* (Cobb, 1906) Andrassy, 1967

Авлод: Cephalobus Bastian, 1865

*26.C. persegnis* Bastian, 1865

*27.C. parvus* Thorne, 1937

Авлод: Eucephalobus Steiner, 1936

*28.E. oxyuroides* (De Man, 1876) Steiner, 1936

*29.E. mucronatus* (Kozłowska et Roguska-Wasilewska, 1963) Andrassy, 1967

*30.E. striatus* (Bastian, 1865) Thorne, 1937

Кенжа оила: Acrobelinae Thorne, 1937

Авлод: Acrobeloides (Cobb, 1924) Thorne, 1937

*31.A. buetschlii* (De Man, 1884) Steiner et Buhrer, 1933

32. *A. nanus* (De Man, 1880) Anderson, 1968
33. *A. emarginatus* (De Man, 1880) Thorne, 1937
34. *A. labiatus* Ivanova, 1968
- Авлод: *Chiloplacus* Thorne, 1937
35. *Ch. demani* Thorne, 1937
36. *Ch. lentus* (Maupas, 1900) Thorne, 1937
37. *Ch. minimus* (Thorne, 1925) Andrassy, 1959
38. *Ch. propinquus* (De Man, 1921) Thorne, 1937
39. *Ch. sclerovaginat* Sumenkova et Razjivin, 1968
- Авлод: *Acrobeles* Linstow, 1877
40. *A. ciliatus* Linstow, 1877
- Катта оила: *Panagrolaimoidea* Thorne, 1937
- Оила: *Panagrolaimidae* Thorne, 1937
- Кенжа оила: *Panagrolaiminae* Thorne, 1937
- Авлод: *Panagrolaimus* Fuchs, 1930
41. *P. rigidus* (Schneider, 1866) Thorne, 1937
42. *P. hugrophilus* Bassen, 1940
43. *P. subelongatus* (Cobb, 1914) Thorne, 1937
44. *P. goodeyi* Rühm, 1956
45. *P. longicaudatus* Sumenkova, 1965
46. *P. multidentatus* Ivanova, 1958
47. *P. mycophilus* (Steiner, 1934) Steiner, 1935
48. *P. fuchsi* Rühm, 1956
49. *P. verrucosus* Fuchs, 1930
- Кенжа туркум: *Rhabditina* Chitwood, 1933
- Катта оила: *Rhabditoidea* Öerley, 1880
- Оила: *Rhabditidae* Öerley, 1880
- Кенжа оила: *Mesorhabditinae* Andrassy, 1976
- Авлод: *Xylorhabditis* (Sudhaus, 1976) Blinova, 1982
50. *X. operosa* (Andrassy, 1962) Andrassy, 1983

Авлод: *Pelodera* Schneider, 1866  
51.*P. strongyloides* Dougherty, 1953  
Авлод: *Coarctadera* (Dougherty, 1953) Andrassy, 1983  
52.*C. cylindrica* (Cobb, 1898) Dougherty, 1953  
Кенжа оила: *Rhabditinae* Öerley, 1880  
Авлод: *Rhabditis* Dujardin, 1845  
53.*Rh. longicaudata* Bastian, 1865  
54.*Rh. brevispina* (Claus, 1862) Bütschli, 1873 (Osche, 1952)  
Авлод: *Cuticularia* Van Der Linde, 1938  
55.*C. oxycerca* (De Man, 1895) Andrassy, 1983  
Туркум: *Aphelenchida* Siddiqi, 1980  
Кенжа туркум: *Aphelenchina* Geraert, 1966  
Катта оила: *Aphelenchoidea* Fuchs, 1937  
Оила: *Aphelenchidae* Fuchs, 1937  
Кенжа оила: *Aphelenchinae* Fuchs, 1937  
Авлод: *Aphelenchus* Bastian, 1865  
56.*A. avenae* Bastian, 1865  
57.*A. cylindricaudatus* (Steiner, 1926) Steiner, 1934  
58.*A. eremitus* Thorne, 1961  
Оила: *Paraphelenchidae* Goodey, 1951  
Кенжа оила: *Paraphelenchinae* Goodey, 1951  
Авлод: *Paraphelenchus* (Micoletzky, 1922) Micoletzky, 1925  
59.*P. pseudoparietinus* Micoletzky, 1922  
Оила: *Aphelenchoididae* Skarbilovich, 1947  
Кенжа оила: *Aphelenchoidinae* Skarbilovich, 1947  
Авлод: *Aphelenchoides* Fischer, 1894  
60.*A. parietinus* (Bastian, 1865) Steiner, 1932  
61.*A. blastophthorus* Eranklin, 1952  
62.*A. clarolineatus* Baranovskaja, 1958  
63.*A. composticola* Eranklin, 1957

- 64.A. *conimucronatus* Bessarabova, 1966
- 65.A. *limberi* Steiner, 1936
- 66.A. *obtusus* Thorne et Malek, 1968
- 67.A. *parasaprophilus* Sanwal, 1965
- 68.A. *scalacaudatus* Sudakova, 1958
- 69.A. *trivialis* Eranklin et Siddiqi, 1963
- 70.A. *subparietinus* Sanwal, 1961
- 71.A. *orientalis* Eroshenko, 1968
- 72.A. *parasubtenuis* Shavrav, 1967
- 73.A. *submersus* Truskova, 1973
- Оила: Seinuridae (Husain et Khan, 1967) Baranovskaya, 1984
- Кенжа оила: Seinurinae Husain et Khan, 1967
- Авлод: Seinura (Cobb, 1893) Goodey, 1960
- 74.S. *citri* (Andrassy, 1957) Goodey, 1960
- Туркум: Tylenchida (Filipjev, 1934) Thorne, 1949
- Кенжа туркум: Tylenchina Chitwood, 1933
- Катта оила: Tylenchoidea Öerley, 1880
- Оила: Tylenchidae Öerley, 1880
- Кенжа оила: Tylenchinae Öerley, 1880
- Авлод: Tylenchus Bastian, 1865
- 75.T. *davainei* Bastian, 1865
- Авлод: Filenchus (Andrassy, 1954) Meyl, 1961
- 76.F. *filiformis* (Butschli, 1873) Meyl, 1961
- 77.F. *valkanovi* (Andrassy, 1958) Meyl, 1960
- 78.F. *infirmus* (Andrassy, 1952) Andrassy, 1976
- Авлод: Lelenchus Andrassy, 1954
- 79.L. *discrepans* (Andrassy, 1954) Meyl, 1960
- Авлод: Aglenchus Andrassy, 1954
- 80.A. *agricola* (Andrassy, 1954) Meyl, 1960
- Кенжа оила: Duosulciinae Siddiqi, 1979

Авлод: *Malenchus Andrassy*, 1968  
 81.*M. machadoi* (Andrassy, 1963) Andrassy, 1968  
 Оила: Dolichodoridae Chitwood et Chitwood, 1950  
 Кенжа оила: Tylenchorhynchinae Eliava, 1964  
 Авлод: *Tylenchorhynchus Cobb*, 1913  
 82.*T. brassicae* Siddiqi, 1961  
 83.*T. tener* Erzhanova, 1964  
 Авлод: *Bitylenchus* (Filipjev, 1934) Siddiqi, 1986  
 84.*B. dubius* (Bütschli, 1873) Siddiqi, 1986  
 Кенжа оила: Merliniinae Siddiqi, 1971  
 Авлод: *Merlinius* Siddiqi, 1970  
 85.*M. bogdanovi-katjkovi* (Kirjanova, 1941) Siddiqi, 1970  
 Оила: Psilenchidae Paramonov, 1967  
 Кенжа оила: Psilenchinae Paramonov, 1967  
 Авлод: *Psilenchus* De Man, 1921  
 86.*P. hilarulus* De Man, 1921  
 87.*P. clavicaudatus* (Micoletzky, 1922) Thorne, 1949  
 Катта оила: Hoplolaimoidea (Filipjev, 1934) Paramonov, 1967  
 Оила: Hoplolaimidae (Filipjev, 1934) Wieser, 1953  
 Кенжа оила: Rotylenchoidinae Whithead, 1958  
 Авлод: *Helicotylenchus* Steiner, 1945  
 88.*H. dihystra* (Cobb, 1893)  
 89.*H. erythrinae* (Zimmermann, 1904) Golden, 1956  
 90.*H. pseudorobustus* (Steiner, 1914) Golden, 1956  
 Оила: Pratylenchidae Thorne, 1949  
 Кенжа оила: Pratylenchinae Thorne, 1949  
 Авлод: *Pratylenchus* Filipjev, 1936  
 91.*P. pratensis* (De Man, 1880) Filipjev, 1936  
 92.*P. neglectus* Rensgh, 1924) Filipjev et Sch. Stekhoven, 1941  
 93.*P. penetrans* (Cobb, 1917) Filipjev et Sch. Stekhoven, 1941

Кенжа оила: Radopholinae Allen et Sher, 1967

Авлод: Pratylenchoides Winslow, 1958

*94.P. crenicauda* Winslow, 1958

Кенжа туркум: Criconematina Siddiqi, 1980

Катта оила: Criconematoidea (Taylor, 1936) Geraert, 1966

Оила: Paratylenchidae (Thorne, 1949) Raski, 1962

Кенжа оила: Paratylenchinae Thorne, 1949

Авлод: Paratylenchus Micoletzky, 1922

*95.P. amblycephalus* Reuver, 1959

Кенжа туркум: Hexatyulina Siddiqi, 1880

Катта оила: Neotylenchoidea (Thorne, 1941), Jairajpuri et Siddiqi, 1969

Оила: Neotylenchidae Thorne, 1941

Кенжа оила: Neotylenchinae Thorne, 1941

Авлод: Hexatylus Goodey, 1926

*96.H. viviparus* Goodey, 1926

Авлод: Scytaleum Andrassy, 1961

*97.S.vigissi* (Skarbilovich, 1952) Andrassy, 1961

Авлод: Neotylenchus Steiner, 1931

*98.N.beljaevae* (Atakhanov, 1958) Andrassy, 1961

*99.N. consobrinus* (De Man, 1907) Filipjev, 1936

*100.N. intermedius* (Christie, 1938) Thorne, 1941

Катта оила: Anguinoidea Nicoll, 1935

Оила: Anguinidae Nicoll, 1935

Кенжа оила: Anguininae Nicoll, 1935

Авлод: Ditylenchus Filipjev, 1936

*101.D. dipsaci* (Kühn, 1857) Filipjev, 1936

*102.D. myceliophagus* Goodey, 1958

*103.D. triformis* Hirshmann et Sasser, 1955

*104.D. mysellus* Andrassy, 1958

*105.D. tulaganovi* Karimova, 1957

Кенжа оила:                    Nothotylenchinae    Thorne, 1941

Авлод: Nothotylenchus Thorne, 1945

106.N. *acris* Thorne, 1941

107.N. *exiguus* Andrassy, 1958

108.N. *thornei* Andrassy, 1958

Сурхондарё вилояти шароитида буғдой ва арпа ўсимлигида учровчи фитонематодаларнинг морфометрик кўрсаткичлари:

1. *Trischistoma monohystera* (De Man, 1880) Schuurmans Stekhoven, 1951.

Урғочи: L=1,628 мм; a=39,7; в=5,4; с=9,7; v=82,5 %.

Бу турга кирувчи 2 та нематода (урғочи ва личинка) Термиз туманининг “Гойипова Ойимхол” фермер хўжалигидаги буғдой ўсимлигининг илдиз атрофидаги тупроқдан топилди. Бактериофаг. Кам учровчи тур. Параризобионт.

2. *Tobrilus kirjanovae* (Karimova, 1957) Andrassy, 1959

Урғочи: L=1,356-1,453 мм; a=36,4-39,6; в=6,3-6,5; с=6,3-7,1; v=85-86 %.

Бу турга мансуб 2 та урғочи фитонематода ва 7 та личинка Термиз туманининг “Гойипова Ойимхол” фермер хўжалигидаги буғдой ўсимлигининг илдиз атрофидаги тупроқдан топилди. Параризобионт, Бактериотроф.

3. *Clarcus papillatus* (Bastian, 1965) Jairajpuri, 1970

Урғочи: L=1,000-1,100 мм; a=23,2-26,3; в=3,2-3,8; с=14,1-15,2; v=64-67,8 %.

Эркак: L=1,300-1,480 мм; a=23-27,2; в=3,0-3,4; с=17-18;

Бу турга мансуб 16 та урғочи, 5 та эркак фитонематода ва 2 та личинка Ангор туманининг “Яшин, учқун, жўшқин” фермер хўжалигидан топилди. Параризобионт.

4. *Mononchus truncatus* Bastian, 1865

Урғочи: L=1,423-1,432 мм; a=34,3-36,5; в=3,9-4,6; с=6,2-7,8; v=47,6-52 %.

Бу турга мансуб 6 та индивид 4 та урғочи ва 2 та личинка Термиз тумани “Гойипова Ойимхол” фермер хўжалиги, Шеробод тумани “Бахриддин ўғли Санжар” фермер хўжалиги ва Қумқўрғон тумани “Учқун” фермер хўжалигида буғдой ва арпа ўсимлиги илдиз атрофидаги тупроқдан топилди. Йиртқич. Параризобионт.

5. *Mylonchulus sigmaturus* (Cobb, 1917) Andrassy, 1958

Урғочи: L=0,9-1,4 мм; a=25,2-30,5; в=3,1-3,4; с=28-33; v=66,2-67,6 %.

Эркак: L=1,3-1,33 мм; a=29,2-30,9; в=3,1-3,4; с=31,1-32,8;

Бу турга мансуб 34 та индивид, 21 та урғочи, 7 та эркак ва 6 та личинка Ангор тумани “Яшин, учқун, жўшқин”, Шеробод тумани “Бахриддин ўғли Санжар” фермер хўжалигида буғдой ва арпа ўсимлиги илдиз атрофидаги тупроқдан топилди. Йиртқич нематода. Параризобионт.

6. *Anatonchus tridentatus* (De Man, 1876) de Coninck, 1939

Урғочи: L=2280 мм; a=28,4; в=4,3; с=10,6; v=62,5 %.

Бу турга оид битта нематода Шеробод тумани “Бахриддин ўғли Санжар” фермер хўжалигидан арпа ўсимлиги илдиз атрофидаги тупроқдан топилди. Ҳақиқий йиртқич. Параризобионт.

7. *Dorylaimus stagnalis* Dujardin, 1845

Урғочи: L=2,34-2,5 мм; a=31,2-34,4; в=4,5-5,2; с=10,1-11,4; v=39-42%.

Бу турга мансуб 11 та урғочи нематода ва 3 та личинка Сариосиё тумани “Анваршоҳ” фермер хўжалигидаги буғдой ўсимлиги илдиз атрофидаги тупроқдан топилди. Политроф. Кам учровчи тур. Параризобионт.

8. *Dorylaimus bastianoides* Meyl, 1961

Урғочи: L=1,22-1,38 мм; a=28,4-29,7; в=4,2-5; с=10,5-12,3; v=45,5-46 %.

Бу турга мансуб 10 та урғочи нематода ва 3 та личинка Қумқўрғон тумани “Учқун” фермер хўжалигидаги буғдой ўсимлиги илдиз атрофидаги тупроқдан топилди. Политроф. Кам учрайди. Параризобионт.

9. *Mesodorylaimus bastiani* (Büetschli, 1873) Eliava, 1984.

Урғочи: L=1,2-1,4 мм; a=33,3-35,0; в=3,4-4,2; с=19,8-21,4; v=54-58,5%.

Бу турга мансуб 38 та урғочи нематода ва 29 та личинка Сариосиё тумани “Анваршоҳ” фермер хўжалиги, Музработ тумани “Ҳимойиддинхон ўғли Ҳусниддин” фермер хўжалиги, Узун тумани “Амирхон Мухтор”, “Алияр Хонимқулов”, Олтинсой тумани “Отабек ўғли Сардор”, “Файзи - Рамз” фермер хўжалиги, Қумқўрғон тумани “Учқун” ва “Бобохонов Фахриддин” фермер хўжаликларидан топилди. Политроф. Параризобионт.

10. *Mesodorylaimus parasubulatus* (Meyl, 1954) Andrassy, 1959

Урғочи: L=0,89-1,32 мм; a=28,6-34,3; в=5,3-5,8; с=13,4-17,8; v=49,5-51,4%.

Бу турга мансуб 19 та урғочи нематода ва 7 та личинка Олтинсой тумани “Отабек ўғли Сардор”, Узун тумани “Амирхон Мухтор”, “Алияр Хонимқулов”, Сариосиё тумани “Анваршоҳ” фермер хўжалиги, Шеробод тумани “Бахриддин ўғли Санжар” фермер хўжалигидаги бугдой ўсимлиги ва арпа ўсимлиги илдиз атрофидаги тупроқдан топилди. Кам учровчи тур. Политроф. Параризобионт.

11. *Eudorylaimus paraobtusicaudatus* (Micoletzky, 1922) Andrassy, 1959

Урғочи: L=1,8-2,2 мм; a=16,2-23,5; в=3,1-4,0; с=43,5-48,4; v=42-48,5%.

Бу турга мансуб 22 нусхадаги урғочи ҳамда 17 личинка Термиз тумани “Гойипова Ойимхол” фермер хўжалигидаги илдиз атрофидаги тупроқдан топилди. Параризобионт.

12. *Eudorylaimus similis* (De Man, 1876) Andrassy, 1959

Урғочи: L=2,82-2,90 мм; a=23,3-25,7; в=4-4,8; с=38,3-39,1; v=47,5-48,6%.

Бу турга мансуб 4та урғочи нематода ва 24 личинка Термиз тумани “Гойипова Ойимхол” фермер хўжалигидаги бугдой ўсимлиги илдиз атрофидаги тупроқдан топилди. Кам учровчи тур. Политроф. Параризобионт.

13. *Eudorylaimus centrocercus* (De Man, 1880) Andrassy, 1959

Урғочи: L=1,2-1,6 мм; a=32-37; в=3,5-4,4; с=44,5-52,6; v=46,4-49%.

Бу турга мансуб 73 та урғочи нематода ва 58 личинка Шеробод тумани “Бахриддин ўғли Санжар” фермер хўжалиги, Бойсун тумани “Абдижалол Менглиев” фермер хўжалиги, Сариосиё тумани “Анваршоҳ” фермер хўжалиги, “Меҳнат” фермер хўжалиги, Олтинсой тумани “Отабек ўғли Сардор” ва Термиз тумани “Гойипова Ойимхол” фермер хўжалигидаги буғдой ва арпа ўсимлиги илдиз атрофидаги тупроқдан топилди. Политроф. Параризобионт.

14. *Eudorylaimus vulvarapillatus* (Meyl, 1954) Andrassy, 1959.

